



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ота-бобоси
сабогидан
ибрат олмаган
киши ўз
фарзандига ибрат
кўрсата
олмайди.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 15-aprel, payshanba, 44 (23.480)-son

Барча саъй-ҳаракатларимиз, мақсад-муддаомиз халқимизнинг бугунги ҳаётидан рози, эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлишига қаратилган. Буни ҳар бир раҳбар юракдан ҳис қилиши ва зиммасидаги улкан масъулиятни англаб меҳнат қилиши лозим. Шуни унутмайликки, кечаги услуб, қотиб қолган қарашлар билан олдимизга қўйган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бугунги давр барчамиздан янгича фикрлашни, замон шиддатига мос ишлашни тақозо этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Ишбилармонни қўллашга масъулмиз

Вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва бюджет тушумларини кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатлари ва тадбиркорларга мурожаат қилди.



Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, бюджет тушумларини кўпайтириш бўйича йиғилиш ўтказилди, - деди вилоят ҳокими. - Бу борадаги тафсилотлар ОАВ орқали кенг ёритилди. Тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган мансабдорлар эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бу йиғилишдан мақсад тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, уларга ёрдам беришга тайёрлигини айтиш, ҳар бир раҳбар уларга кўмаклигини эслатишдир.

Бугун "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари"га киритилган аҳоли қатлами тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликдан чиқариш ва уларнинг доимий даромадга эга бўлишини таъминлашимиз зарур. Бунинг фақат тадбиркорликни ривожлантириш орқали бажаришимиз мумкин. Қўчлик тадбиркор бўлишни хоҳлайди. Лекин ер ажратиш бўйича тушунча йўқ ёки банкка борса тушунтирилмайди. Шунинг учун бугун барча даражадаги раҳбарлар тадбиркорлик бўйича масъуллигини, жавобгарлигини ҳис қилиши керак.

Ҳозирда вилоятимизда 69 минг 167 тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 37 417 таси кичик бизнес субъектлари ва 31 750 таси яқка тартибдаги тадбиркордир.

Жорий йилнинг I чорағида 7 238 та янги субъект ташкил этилган бўлса, II чорағида 6 680 та янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлаши режалаштирилган.

Афсуски, бугунги кунда 2 192 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмаяпти. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу фаолият кўрсатмаётган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатган ҳолда уларнинг сонини 30 фоизга қисқартиришни мақсад қилганмиз, - деди Э.Турдимов. - Чунки тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб янги иш ўрни очиб ҳам, бюджет тушумларини кўпайтириш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ишбилармонларимизнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларга ечим топиш мақсадида ҳар душанба кунини вилоят сектор раҳбарлари томонидан "Тадбиркорлар кунини" тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Уч ойда мазкур қабуллар давомида 346 тадбиркор мурожаат қилди. Уларнинг 293 таси (84,6 фоиз) ижобий ҳал этилиб, қолган 53 тасига (15,4 фоиз) тушунтириш ва қўрсатмалар берилди. Тижорат банклари томонидан I чорақда 29 250 та тадбиркорга барча манбалардан жами 1 триллион 181 миллиард сўм кредит ажратилди.

Йил бошидаги режага асосан биринчи чорақда 580,3 миллиард сўмлик 100 та лойиҳани ишга тушириб, 1 257 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Чорақ якунида 832,1 миллиард сўмлик 248 та лойиҳа (1 808 та иш ўрни) амалга оширилди. Шундан санаатда 55 та, хизматлар соҳасида 114 та, қишлоқ хўжалигида 79 та лойиҳа ишга туширилди.

Қайд этилишича, жорий йил биринчи чорақда бюджет тушумлари 686,6 миллиард (+54,4 миллиард сўм, 109 фоиз) сўмга, маҳаллий бюджет 627,5 миллиард (+94 миллиард сўм, 118 фоиз) сўмга бажарилди. Йил якуни билан маҳаллий бюджет режаси 400 миллиард сўм ортиги билан бажарилди. Йиғилиш якунида вилоят ҳокими тадбиркорларга иш фаолиятида ҳар қандай тўсиқ ва муаммога дуч келса шахсан ўзига мурожаат қилиши мумкинлигини эслатди.



САМАРҚАНД ТАДБИРКОРЛАРИНИ ҚАЙСИ МАСАЛАЛАР ҚИЙНАЙДИ?

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида тадбиркорлик фаолиятидаги муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида тадбиркорлар қабули ўтказилди.

Қабулда Бош вазир ўринбосари, иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш вазир Жамшид Қўчқоров, Савдо-саноат палатаси раиси Аҳдам Икромов, вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, шунингдек, Марказий банк, вазирлик ва қўмиталарнинг масъул раҳбарлари иштирок этди.

Қабулга келган 232 нафар тадбиркор 200 дан ортик масалада мурожаат қилди. "Ерғодезказдастр", солиқ, сув, тижорат банклари ва кредит масалалари масъуллар томонидан алоҳида ўрганилди. Қўшраборт туманидаги "Озоджон файз

нур" хусусий корхонаси кўп йиллардан буён қурувчилик фаолияти билан шуғулланади. Корхона тендерда ғолиб бўлиб туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Булоқбоши маҳалла фуқаролар йиғини биноси қурилиши учун қарийб 1 миллиард сўмлик шартнома асосида иш бошлаган. Лекин бажарилган 360 миллион сўмлик ишнинг 50 фоиз маблағини ололмасдан сарсон. Учрашувга келган корхона раҳбари ва таъсисчиси Бахтиёр Бўтабоев шу масалада ёрдам сўраб мурожаат қилди. Тадбиркорнинг масаласи вилоят ҳоқимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилган бўлди.

Учрашувга келган тадбиркорлар мурожаатларининг аксарияти мактабгача таълим муассасаси очиш учун кредит масаласида бўлди.

- 2018 йил 120 ўринли хусусий мактабгача таълим муассасаси қуриш учун кредит сўраб банкка мурожаат қилдим, - дейди "Илк қадам" хусусий мактабгача таълим ташкилоти директори Манзура Нарзиева. - Ўша пайтда банкда кам фоизли ресурслар тугаб қолганлиги учун 22 фоиздан тижорий кредит олишга мажбур бўлгандик. Лекин пандемия бошланиб қолиб, боғчанинг очилиши ортага сурилди. Натижада, кредит фоизлари ошиб кетди.

Пандемия бўлишига қарамадан, банк 240 миллион сўм фоиз ҳисоблаган, қолаверса, ҳар ойда 67 миллион сўм кредит тўлашимиз, ҳар иккаласини бирдек тўлашга имкониятимиз йўқ. Шу масалага ечим топишда ёрдам сўраб келганим, Марказий банк ва бошқа идора мутахассислари томонидан масалам ўрганиб чиқилди. Уларнинг ёрдами билан кредитим учун менга тадбиркорлар фондидан 5 фоиз тўлаб берилган бўлди. Яна тўпланиб қолган фоизларни умумий муддатга бўлиш ва жами кредит муддатини узайтиришга ёрдам қилишди. Бу ҳам бизга катта ёрдам беради.

Учрашувда ўзини қийнаётган муаммосини айтилмаган тадбиркорлар ўз худуди бўйича рўйхатга киритилиб, мурожаатлари ёзиб олинди. Бу масалалар Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан назоратга олинди, амалий ёрдам берилиши айтилди.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Оқова сув тизимлари марказлаштирилса, муаммолар ечим топади

Президентимизнинг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар қатори аҳоли учун қулай яшаш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, 2019 йилнинг январь ва июль ойларида вилоятимиздаги кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, шу жумладан, Ургут, Паст Дарғом, Жомбой, Пахтачи, Нарпай туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаб, оқова сув тармоқларини ривожлантириш орқали муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифаларни белгилаб берган эди.

Мазкур топшириқлар асосида бугунги кунда вилоятимизда оқова сув тизимини ривожлантириш, соҳадаги муаммоларни замонавий технологияларни жалб этган ҳолда бартараф этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида 80 минг нафардан ортик аҳоли марказлаштирилган каналлация хизматлари билан таъминланиб, санитария ва эпидемиологик ҳолат яхшиланди. Шунингдек, Ургут, Пахтачи, Паст Дарғом туманларида оқова тизимларини яхшилаш бўйича иш олиб борилмоқда. Бунинг учун халқаро молия институтларининг 117,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ажратилган. Унга кўра, ҳудудларда 9 та оқова сувларини тозалаш иншооти, 185 километр-

дан ортик оқова тармоқ қуриш режалаштирилган. Утган йили Пахтачи туманида қарийб 7 километр оқова тармоқлари ва тозалаш иншооти қуриб битказилиб, замонавий ҳамда энергия тежамкор ускуналар ўрнатилди. Яқингача Ургут тумани марказидаги кўп қаватли уйлар, айниқса, иқтисодий зонада жойлашган ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сувлари Дўстлик маҳалласида жойлашган 6 та махсус ҳовузларга ташлаб келинган. - Аҳоли томонидан мазкур ҳовузларнинг атроф-муҳитни ифлослантириб келаётганлиги тўғрисидаги мурожаатларидан сўнг ҳовузларнинг бештаси ёпиб юборилди, - дейди "Самарқанд

сув таъминоти" МЧЖ Ургут тумани бўлими бошлиғи Ойбек Тўхтаев. - 2018 йилдан бошлаб туманимиз оқова сув тармоқларини янгилашга киришилди. Жумладан, Сариктепа маҳалласидаги кўп қаватли уйлар ва корхоналар учун қарийб 3 километрга яқин оқова сув тармоғи тортилиб, 2 та 200 м³ ли тозалаш иншоотлари-контейнерлар ўрнатилди. Шунингдек, Ургут шаҳри марказида жойлашган корхона-ташкilotлар учун 6,7 километр оқова тармоғи ўтказилди. Бугунги кунда туман марказидаги 30 га яқин корхона, ташкilot ва аҳоли хонадонлари мазкур хизматдан фойдаланмоқда. - Қишлоғимизда жойлашган тамакини қайта ишловчи корхонанинг каналлация ҳовузларидан тарқалаётган бадбўй ҳидга тоқат

қилиб бўлмасди, - дейди Дўстлик маҳалласи Бойғузар қишлоғида яшовчи Исломо ака. - Оқибатда аҳоли орасида турли юқумли касалликлар пайдо бўлганди. Айрим корхона ва ташкilotлар ҳозир ҳам ўз оқоваларини Ургут шаҳридан оқиб ўтадиган бетон каналга ташлашади. Бу эса аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси» ДУК вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан Мерганча массивида қурилаётган кўп қаватли уйлар учун 8 километрдан зиёд оқова сув тармоғи тортилиб, ҳудудда барпо этилган 6 та тозалаш иншоотида уланди. Мирзақишлоқ маҳалласида ўрнатилган 2 та янги 500 м³ тозалаш иншоотлари кўп қаватли уй-жой-

лардан чиқувчи оқова сувларини қайта ишламоқда. Бунинг учун 3,5 километр масофага тармоқ тортилди. Жами 17 миллиард 352 миллион сўм маблағ ажратилган лойиҳалар асосида қурилган оқова тармоқлари ва тозалаш иншоотларига Туркия технологиялари асосида ишлайдиган замонавий ускуналар ўрнатилган. Тез орада Ургут ва Тойлоқ туманлари ўртасидан ўтувчи Дарғом канали ёнида ҳам йирик оқова сувни тозалаш иншооти қуриш ишлари бошланади. Унга Мирзақишлоқ тозалаш иншоотидан тортиб келинадиган 8 километрлик оқова сув тармоғи уланган, туманда мазкур тизимдаги қатор муаммоларга ҳам ечим топилади.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

«Ташрифдан ташрифгача...»



Маънавий қашшоқликка қарши курашиш вақти келди

Яқинда Америкада истиқомат қилувчи дугона билан телефон орқали гаплашдим. Салом-алиқдан сўнг, қачон Ўзбекистонга қайтишни сўрадим.

– Биласизми, – деди дугона. – Узим ҳам шу ҳақда ўйлаб юрибман, аммо сизга бир нарса айтишим керак. Бу ерда ҳаёт тарзи бутунлай бошқача. Масалан, мен ўғлимга “Мени кимдир сўраса, онам уйда йўқ, деб айт”, десам ўғлим бу гапимни тасаввурга сиғдиролмайди. “Она, қандай қилиб сизни йўқ, деб айтаман. Ундан кўра, онам уйда, аммо чиқибни истамапти дейман”, дейди. Сабаби, ўғлимга Америкадаги мактабда шундай ўргатишган, ёлгон гапиришни билмайди. Энди тасаввур қилинг, ўғлим Ўзбекистонга борса қандай яшайди? Ёлгон гапиришни билмайдиган, тўғриси айтиладиган ходим қаерда ишлаётган? Америкада ташкилот ва корхоналарда ёлгон гапирилмайди, қуруқ ваъдалар берилмайди, меҳнат бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди. Масалан, мамлакатга коронавирус тарқалгандан буён қарамтама 3 марта 1400 доллардан пул тушди. Рост, бироз муддат ишсиз қолиб, бугега қандай яшайман, деб тургандим. Америкада истиқомат қилувчи барча фуқароларга ёрдам тариқасида берилган пуллари ҳеч ким “ейишга” урингани йўқ, ея олмайди ҳам. Ҳаммани пули ўзининг картасига тушади. Бу ерда яхши ўқиган, эртага яхши иш топади, яхши маош олади ва яхши яшайди. Шунинг учун ҳам кундузи ишласам, кечқурун ўғлим билан дарс тайёрлайман, доим дарсларни текшириб бораман.

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир видеоролик тарқалди. Воқеа Жанубий Кореяда рўй берган. Юк машинаси чорраҳадан буриллаётган пайтда ишчи солинган бир неча кути йўлга ағдарилиб кетган.
Йўлдан ўтаётган мактаб ўқувчилари дарҳол синган шилаларни йиғиштиришга тушган ва бир зумда йўлни тозалаб

қўйишган. Полиция ходимлари келгунга қадар мактаб ўқувчилари кўнгилли сифатида йўлдаги нокулайликни бартараф этган.
Жанубий Кореяда ўқувчиларга меҳнатсеварлик, ватанпарварлик гоғлари сингдирилган экан. Биздагидек, “менга нима” деган тушунча йўқ экан. Савол туғилади, агар ўша воқеа бизда рўй берганида, болалар кўчани тозаларми? Ёки “Болам мени уйда йўқ деб айт”, десак, нима бўлади? Бола “хўп” дейди, албатта. Хўш, нега? Сабаби, ўзимиз болага шундай тарбия берганимиз ва шундай тарбия бераймиз.
Америкада эса бола кўпроқ вақтини мактабда ўтказгани учун таълим билан бирга тарбия ҳам берилар экан. Бизда эса айримлар мактаб таълим билан, ота-она тарбия билан шугуллансин, дейилапти. Бу нотўғри тушунча. Таълим ва тарбия доим бирга олиб борилиши керак.
Бугун чет элдан дўстларим ҳаёти билан ўзимизникини солиштирсам, у ердаги тўқин ҳаётга, тараққиётга фақат ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, тўғрисиўлик билан эришилганига гувоҳ бўламан. Биз эса ёшларимизнинг “оммавий маданият”га эргашиб, олтинга тенг вақтини ижтимоий тармоқларда беҳуда ўтказиб қолганимиз ва бундан қандай қутулиш чоралари ҳақида бош қотиришми. Баъзан бош қотирмаепмиз ҳам, аксинча ёш болани овуттиш учун унга мобил телефон бераймиз. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда интернет тармоқлари биздагига қараганда анча арзон ва тез ишлаётган бир пайтда улар ёшларни маънан тўғри тарбиялаётди.
Бизда эса ўқитувчи ўз боласини мактабда дўппослапди, кўчада йўловчи таксилар бир-бирига йўл бермай жанжал қиляпти. Ижтимоий тармоқларда таниқли актёр ва хонандалар беҳаё сўзлар билан кимнидир ҳақорат қилади. Иккинчи томондан ундан ҳам баттар ҳақоратли сўзлар ёрилган видеотасвир тарқалапти. Ёшлар улардан ўрнак олиб, “Тик-Ток”да аъзо (подписчик)лари сони ошасани ўлдиришни айтаяпти...

Хуллас, миллат ўзини, ўзликни йўқотаяпти.
Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Самарқанд шаҳридаги Даҳбет бекатида автобус кутиб тургандим. Бекатга рақамсиз автобус келиб тўхтади, ҳайдовчи Қорасув массивига кетишини айтди. Бирпасда автобус йўловчилар билан тўлди. Шу пайт 30-рақамли автобус келиб қолди, унинг ҳайдовчиси “Нега менинг йўловчиларимни оляпасан?” деб рақамсиз автобус эгаси билан жанжаллашиб кетди. Жанжални бошқа ҳайдовчилар тўхтатишди. Хуллас, йўлга тушдик, аммо кўп юрмай автобус тўхтади. Ҳалиги ҳайдовчи ортимиздан келиб, жанжални давом эттирди. Кеч бўлганда ишдан, ўқишдан чиқиб уйига қайтаётган йўловчилар сабр билан жанжал туғаниши кузатиб турди. Сўнг-ра нима бўлди, денг? Ҳайдовчи бир автобус одамни ортга қайтариб олиб кета бошлади. Одамларнинг норозилигидан сўнг, бир бекат олдинда автобусни тўхтатиб, “Энди тушиб, 30-автобусга чиқинлар”, деди. 30-автобус ҳам биз чиққан автобуснинг ортидан келаётган экан. Мана сизга тартиб-интизом, мана сизга маданият.
Ҳаётимизда бу каби кўнгилсиз воқеалардан истаганча мисол келтириш мумкин. Нима учун одамлар бир-бирини ҳурмат қилмайди, нима учун соҳа ҳодими ўз вазифасини астойдил бажармайди, нима учун баъзилар белгиланган қонун-қоидаларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади? Буларнинг жамибитта – маънавияти паст кишиларгина тўғри йўл турганда нотўғриси таналяйди ва атрафдагиларга озор беради.
Бугун дунё тан олган буюк алломалар – Алишер Навоий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Форобий авлодлари қалбига маънавий қашшоқлик пайдо бўлмақда. Хўш, ёшлар қалбига бу бушликни қандай тўлдирармиз?
Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 26 мартда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.
Бугун маънавий-маърифий

ишларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги ҳукуматимиз томонидан тан олинди. Айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан, турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада амалий ишлар олиб борилмапти. Бунда жаҳон таърибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.
Президентимизнинг ушбу қарори айнан халқимиз ва ёшларимиз қабида маънавий-маърифий баркамолликни оширишга қаратилган. Энди мактабга таълим ташкилотидан олий таълим муассасаларигача маънавий-маърифий тарғибот ишлари қучайтирилади.
Ҳар бир умумтаълим муассасасида жорий этилган ижтимоий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимли молиялаштириш учун 2021 йил 1 апрелдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 0,5 штат бириги ажратилади ҳамда унинг иш ҳақи миқдори умумтаълим муассасаси олий ўқитувчиси учун ўрнатилган базавий тариф ставкаси миқдоридан белгиланади.
Давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида, талабалар сонидан қатъий назар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозимли жорий этилади. Бунда, олий таълим муассасаларида мавжуд ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозимли қисқартирилади.
Шунингдек, мавзуга оид долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илғор фикрларини ёритиб бориш мақсадида “oipna.uz” электрон портали ташкил этилади.
Ушбу қарорга кўра, 2021-2023 йилларда барча туман ва шаҳарларда маънавият ва маърифат масканлари барпо этилади.
Аслида маънавият – иймон, ислом деганидир. Фарзандларимизни иймонли қилиб тарбияла олсам, яқин келажақта мамлакатимиз тараққиётга ривожланган давлатлар қаторига қиради.
Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Дарғомда ёшлар ИШСИЗМИ?



Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 3-сектор раҳбари иштирокида хатлов ўтказилиб, маҳалладаги кам таъминланган оилалар, эътибордан четда қолган ёшлар ҳамда хотин-қизлар аниқланди. Бунда адолатсизликка, хатлов жараёнларида ҳеч ким эътибордан четда қолиб кетмаслигига йўл қўйилмади.

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 3-сектор раҳбари иштирокида хатлов ўтказилиб, маҳалладаги кам таъминланган оилалар, эътибордан четда қолган ёшлар ҳамда хотин-қизлар аниқланди. Бунда адолатсизликка, хатлов жараёнларида ҳеч ким эътибордан четда қолиб кетмаслигига йўл қўйилмади.

рўйхатига олинган 17 нафар ишсиз ёш маҳалламизда ташкил этилган мономарказда қайта касб-хунарга ўқитилмоқда. Уч нафари эса Самарқанд шаҳридаги касб-хунар мактабларида тикувчилик, ошпазлик, электрпайвандчилик касбларини эгалламоқда. Тадбиркорлик иштиёқида бўлган икки нафар йигитимизга Халқ банкининг Темирийўл бўлимидан 14 фоизлик имтиёзли кредит олишига ёрдамлашди. Шунингдек, бир нафари фотосалон очишга қарор қилган бўлса, яна бирига автомашиналарни созлаш устахонаси ташкил этишда ёрдам бердик. Бокувчисини йўқотган, ночор аҳволда яшаётган 2 нафар ёшларимизга 1 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратдик. Маҳаллада ёшлар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилган. Ўтказилган сўровлар натижалари тўрт сектор фаолиятининг асосий йўналишига айланди. Яъни, маҳалла фаолларидан тортиб, шаҳар сектор раҳбарлари учун ҳам дастур сифатида фойдаланилмоқда.
– Маҳалламизда аҳолини камбағалликдан чиқариш, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш тизими бўйича ижобий таърибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаяпти, – дейди маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича ўринбосари Гулмира Харипова. – Шақланганларнинг мазкур рўйхатлар асосида ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кў-



«К» Кишлоқдаги тенгдошим»

Нарпай туманида яшовчи Сарвар Хушиев ёш, аммо удабурон тadbиркорлардан бири. У “Мўъжиза” масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилмоқда. 2019 йилда “Yoshlar kelajagimiz” жамғармаси ҳисобидан 1,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олиб, яхна ичимликлар ишлаб чиқариш цехини ишга туширди.

Ёш, аммо мақсади катта

Корхона учун Хитойдан келтирилган ускуналар қимматга тушади. Сабаби, Сарварбек Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг банк иши ва молия факультетини тамомлаб, ўқиб чиққан магистратура йўналишини Хитойдаги “Zhejiang Gongshang” университети бизнес бошқарув факультетига давом эттирди. У ерда ўқиш давомида тажрибали тadbиркорлар билан танишиб, дўстлар орттирди. Ҳалигача хитойлик ҳамкорлари билан алоқани узгани йўқ. Шунингдек, улар ёрдамида корхона қошида очилган пластик чиқиндиларни қайта ишлаш, полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш цехлари ва темирчилик устахонаси учун зарур ускуналар келтирилди.
Тadbиркор бир йил аввал 6 гектарлик майдонда “Mo’jiza AGRO GROOP” фермер хўжалигини ҳам ташкил қилди. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.
– Бир ойда 250-300 тонна яхна ичимлик ишлаб чиқарамиз, – дейди С.Хушиев. – Шунингдек, 20-25 тонна чиқиндини қайта ишлаб, 10 тоннадан полиэтилен пакет тайёрлаймиз. Қолган иккиламчи хомашёни бошқа корхонларга етказиб берамиз. Бугунги кунда корхонада 25 нафар ёшлар иш билан таъминланган. Шунингдек, фермер хўжалигимизда яна



25-30 нафар мавсумий ишчи меҳнат қилади. Бу ерда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун 200 тонналик музлаткич обморхонамиз ҳам мавжуд. Келгусида 1,5 гектарлик иссиқхона қуришни режалаштирмишиз. Натijaда яна 20 та янги иш ўрни яратилади.
Сарвар Хушиев туманда тadbиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган ёшларга қўлидан келганча кўмаклашапти. Хитой давлатида тўплаган тажрибасига таяниб, тенгдошларига маҳорат дарслари ўтишдан, маслаҳат беришдан эринмайди.
Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Икки ойлик сарсонгарчиликка барҳам берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман)нинг вилоятимизда фаолият юритувчи ходимларига жорий йилнинг биринчи чорагига 150 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 65 таси қаноатлантирилган бўлиб, 74 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 1 таси тегишли ташкилотга юборилди, 10 таси айна пайтда қўриб чиқиш жараёнида.

Билдирилаётган мурожаатларнинг асосий қисмини кредит ажратиш, кредит муддатларини узайтириш, инфратузилма ва бошқа масалалар ташкил этади. Жумладан, Пахтачи туманида фаолият юритувчи “Пахтачи автотех” МЧЖ раҳбари М.Тўракулов АТ “Халқ банки”дан 1 миллиард 960 миллион сўм миқдорда кредит ажратилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Фуқаронинг мурожаати қўриб чиқилиб, 4 кунлик мунд-

датда кредит ажратилиши таъминланди. Шу туманда фаолият юритувчи “Абдуллох Муҳаммадали Самарқанд Савдо” МЧЖ раҳбари С.Есанов АТ “Халқ банки”дан 500 миллион сўм миқдорда кредит ажратилишида ёрдам сўради. Бизнес-омбудсман аралашуви билан ушбу масалалар ҳам қисқа муддатда ижобий ечим топилди.

Шодибек ҲАМРАЕВ,
Бизнес-омбудсман ходими.

Сув – мусаффо ҳаво ва тириклик манбаи. Инсон овқатсиз 30 кунгача яшай олса, сувсиз 5 кун чидамас экан. Одам умри давомида тахминан 35 тонна сув ичади. Агар кунига беш стакандан ортиқ сув ичсангиз, юрак хуружи хавфи ортагача чекинади.

Дунёнинг кўплаб шаҳарларида маиший эҳтиёжлар учун ўртача кунлик сув сарфи аҳоли жон бошига 300 литрдан тўғри келса, вилоятимизда бу миқдор 750-800 литрни ташкил этади. Дунёда сувнинг энг қиммат нархи АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида белгиланган. У ерда сувнинг 1 литри учун 90 доллар маблағ тўланади ва сув кристаллар билан безатилган махсус идишларда қадоқланади. Мутахассисларнинг кузатишларича ер ости ва ер усти очиқ сувларининг ифлосланиши даражаси ортмоқда. Табиий сувлар ифлосланишининг олдини олиш ҳозирдан муҳим муаммага айланмоқда.
Афсуски, кейинги йилларда истеъмол учун яроқли ер ости ва ер усти очиқ сувларнинг ифлосланиши даражаси кескин ошиши турли касалликлар тарқалишига сабаб бўлмоқда. Демак, сув ифлосланишининг олдини олиш ҳам кечиктириб

Ҳар бир инсон 35 тонна сув ичса...

бўлмайдиган долзарб масала ҳисобланади. Оби ҳаёт манбаларининг ифлосланишида бош оми, албатта, инсон ҳисобланади. Бунга кимёвий воситалардан нотўғри фойдаланиш, минерал ўғитларнинг меъёрдан ортиқ ерга солиниши ҳамда саноат, кишлоқ хўжалиги, уй-рўзгор, коммунал қиқиндиларининг хавзаларга ташланиши, тоза ичимлик сувининг истеъмолдан бошқа мақсадларда ишлатилиши сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ер юзиде шаҳарларда 25 фоиз ва кишлоқ аҳолисининг 75 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган, ҳолос.
Республикамизда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш бўйича бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан жойларда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш бўйича мунтазам равишда тушунтириш, тарғибот

ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, вилоятимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи узунлиги 531,7 километр бўлган Зарафшон дарёси суви мусаффолигини таъминлаш ҳамда муҳофаза зонасини сақлаш чоралари кўрилмоқда. Бироқ, Зарафшон табиий флорасига билиб-билмай зиён етказиш ҳолатлари учрамоқда. Ҳозирги вақтда Зарафшон дарёси юқори қисми тоғ ҳудудларида ўсимлик қатлами майда ва йирик шохли моллар боқилиши, дароҳт ва буталарнинг кесилиши натижасида сийраклашиб қолган. Бу ўз навбатида сел оқоваларининг қучайиши ва дарёнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Тўғри, ўз вақтида қоидабузарлар аниқланиб, жаримага тортиляпти, лекин экологияга етказилган ҳар қандай зарарни молиявий жиҳатдан қоплаб бўлмайди.
Бахтиёр МУҲАММЕДОВ,
вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиб орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли Фармони ижроси юзасидан ипотека кредитлари орқали қишлоқ жойларида аҳолига кўп квартирали уй-жойлар қуриш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2021 йилда қишлоқ жойларда кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари эълон қилади.

Танлов савдолари рақами: 2021-01;
Танлов савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 15 апрель;

Танлов тақлифларини тақдим этиш учун охири мuddат: Эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 кун давомида.

Кўп қаватли уй-жойлар қуришни молиялаштириш манбаси: Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларида олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтилган хар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Самарқанд вилояти ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган ЛОТлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишга тақлиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақомадини 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 2-"Д" корпус, 403-хона.

Телефонлар: 66-231-13-51; 66-233-32-00.

Электрон почта: samtender2013@mail.ru

5. Танлов ҳужжатлари нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
"Самарқанд вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ ЛОТ бўйича _____ та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман" шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.
Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчисининг – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган тўлов Ўзбекистон Республикасида белгиланган БХМнинг бир баробарига тенг.

Банк ҳисоб рақами реқвизитлари қуйида келтирилган: АТ "Алоқабанк" Самарқанд филиали, х/р: 20210000803783329001, СТИР: 202427054; МФО: 00985, ОКЭД: 72300.

6. Танлов тақлифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

- юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;

- тақлифларни тақдим этишнинг сўнгги мuddати-гача;

- ЛОТлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақт-гача;

- танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда тақлиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

- кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;

- квартиранинг бир квадрат метрининг (1 кв.м) реализация нархи;

- кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағ мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

7. Танлов тақлифлари очилиши тақлифлар тақдим этишнинг охириги кунда танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 2-"Д" корпус. Вилоят қурилиш бош бошқармаси мажлислар залида.
Телефонлар: 66-231-13-51, 66-233-32-00,
электрон почта: samtender2013@mail.ru
Талабдорлар қўшимча маълумотлар учун Самарқанд вилоят ҳокимлигига мурожаат қилишлари мумкин. Телефон: 66-230-42-89.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дونا уй учун талаб этилади:				
